

ХУКУКИЙ ХУЖАТЛАРГА ХУРМАТ ҲИССИ ТАРБИЯЛАНМОҚДА

(Боши 1-бетда).
Бундан ҳеч ким наф кўрмайди. Шу ўринда бир мисол: «Навоий почтаси» АЖнинг бир қатор, яъни Кармана, Навбахор, Хатирчи туманлари ва Навоий шаҳри шўбаларида иш ҳақидан қарздорлик мунтазам равишда 2-3 ойга қўзилган. Тегишли ташкилотларга бўлса раҳбарлар нотўғри маълумот бераверган. Бирлашган касаба уюшма кўмитаси бу масалани ўз раёсати мажлисида муҳокама этган-у, шўбаланинг раҳбарларига нисбатан келишув ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган жазо чораларини қўлламаган. Марказий кўмитанинг аралашуви ва янги тайинланган раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан у ердаги иш ҳақидан қарздорлик узилди. Ойлик маош ва вақтида тўлаш бўйича шундай ноаниқ маълумотларни бериш ҳоллари, шунингдек, «Ўзбектелеком» ва «Матбуот тарқатиш» АЖларнинг таркибига кирувчи корхоналарда ҳам мавжудлиги ачинарлидир.

Узингизга аён, одатда кўпинча маълумотларни бирлашган касаба уюшма кўмиталари ташкилотлардан олишади. Оқибатда жойлардаги аҳвол назоратисиз қолиб кетмоқда. Демакки, ўша ердаги касаба уюшма фаоллари амалий ишга жалб қилинмаяпти.

Бирлашган касаба уюшма кўмиталари ўз тизимлари орқали иш ҳақини тўлаш бўйича ҳақиқий аҳволи билишлари, унинг вақтида берилишини қаттиқ назорат этишлари, ҳаққоний аҳвол тўғрисида маълумот беришлари керак. Шундагина биз ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

Излаган имкон топади, дейдилар. Кўп ҳолларда раҳбарлар маблағ йўқлигини баҳона қилишади. Йўқ, аслида уларда масъулият етишмайди, касаба уюшма фаолларида эса талабчанлик. «Навоий почтаси» АЖи мисолдан аёнки, астойдил ҳаракат қилинса, пул ҳам топилиши, қарздан ҳам узилиши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жамоа шартномаси бажариш учун қабул қилинади, ҳужажуринга эмас. Бизни ташвишлантираётган яна бир масала, бу ҳам бўлса Сурхон-

Ислохот одимлари

лар, пул мукофотлари ва рағбатлантиришлар ҳам кўзда тутилган. Бу эса юқори меҳнат самарадорлиги, касб маҳорати ошиши, фаолликини кучайтиришда муҳим омилдир. Шу омиллardan оқилона фойдаланаётган корхоналар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мамнуният билан айтиш жоиз, деярли ҳамма алоқа корхоналарида бундан тўғри фойдаланиб келинаётди. Натижада белгиланган режа ва топшириқлар мuddатида адо этилаётди.

Масалан, «Фаргона почтаси» АЖида ўтган йилнинг 9 ойида 1018 ходимга узлуксиз меҳнат стажы учун 3176 минг сўм, жорий рағбатлантириш учун 1492 ходимга 17790 минг сўм тўланган. Махсус кийим-бош ва пойабзал учун 750 минг сўм, алоқа хизматидан фойдаланганлиги учун 230 ходимга 309 минг сўм тўланди ва 7150 минг сўмлик бир маротабалик мукофот пуллари берилди.

Бирок «Ўзбекистон почтаси» ДАК таркибига кирувчи аксарият хиссадорлик жамиятларида бутунлай бошқача аҳвол. Мутасаддилардан сабабини сўрасангиз, баҳона битта: маблағ йўқ! Лекин маблағ топишга жамоани йўллантириш бўйича етарли иш олиб берилмаяпти. Намунали ходимларни рағбатлантирмаслик эса уларда ишга бўлган қизиқишини сўндирмоқда. Буни унутмаслик зарур. Жамоада кўрсаткичлар юқори бўлиши учун, аввало, раҳбар гайрат кўрсатиши лозим. Бундай дейишим боиси, «Сурхондарё почтаси» АЖнинг Шеро-

дорё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа корхоналарида иш ҳақи ойда фақат бир маротаба берилаётганидир. «Қорақалпоқ телеком», «Сурхондарё почтаси» АЖларида эса бир неча ойдири, иш ҳақи аванс шаклида тўланапти. Унинг таъсирида жамоаларда англашилмовчилик, ҳисоб-китоб ишларида чалқашликлар келиб чиқиши мумкин.

— Тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларида иш ҳақи билан биргаликда турли компенсациялар, кўшимча тўлов-

бод, Ангор туман шўбаларида электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал хизматлар учун пул йиғиш бўйича керакли ташкилотлар билан шартномалар тузилмаган. Дарвоқе, ўз жамоасида ишни ташкил этолмаган раҳбар қандай қилиб ходимларига имтиёз ва шароит ярата олсин.

Меҳнат Кодексининг 29-моддасига мувофиқ жамоа шартномаси - корхонада иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солишчи норматив ҳужжатдир. Шундай экан, жамоа шартномаларида киритилган бандлар қонун қучига кирмади, уни иш берувчи хоҳлаган пайтда бажариб, истамаган вақтда бажармаслиги мумкин эмас. Унга имзо чеккан ҳар икки томон қонун олдида жавобгар ҳисобланади. Меҳнат Кодексининг 46-моддасига мувофиқ эса жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартномада кўрсатилган мuddатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида умумий мажлисда ҳисобот бериб туришлари шарт.

Президентимизнинг «Ўзбекистон буюк келажақ сари» асаридан жумладан шундай сўзлар бор: «Қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. Қонуннинг устуворлиги шунин билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан қўқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади».

Демак, ҳуқуқий давлат куриш учун, энг аввало, биз одамларда қонун ва ҳуқуқий норматив ҳужжатларга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотишимиз зарур. Шунда буюк келажақ сари танлаган йўлимиз янада ойдинлашади.

Сўхбатдош: Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ЗАМОНАВИЙ ОФИСЛАР

Хоразм вилоятининг Хива тумани, шунингдек, Фаргона тумани солиқ хизмати идоралари энг замонавий офислар

ва зарур ташкилий техника билан таъминланди. Бунга тезкор алоқа воситалари, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бериш учун зарур адабиётларни қўшади-кан бўлса, мазкур туманларда бюджетни тўлдириш ишлари янада муваффақиятли олиб борилишига ҳамда солиқ тўловлари бўйича қарздорлар сони анча камайишига умид қилиш мумкин.

(ЎЗА).

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ИНСОН ҚАЛБИ МЕҲРГА ТАШНА

Бирлашган касаба уюшма кўмитамизда 14 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 2462 нафар аъзо бор. Кўмитамиз йил бошида Сурхондарё темир йўл дирекцияси билан 2000-2001 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасини қабул қилган эди. Унга мувофиқ ишчи-хизматчиларга маош мuddатида тарқатилмоқда. Уларга меҳнат таътили билан бирга бир ойлик иш ҳақи миқдориди моддий ёрдам берилди.

Техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида меҳнаткашлар ёзги ва қишки кийим-бош оладилар. Зарарли иш жойларида ишлаётганлар сут ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминланади. Бу маҳсулотлар «Наврўз» ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилмоқда. Ҳар бир байрам тўқин дастурхон атрофида уйин-кулги, катта концерт дастурлари билан ўтказилади. Фахрий ишчилар ва илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Хусусан, яқинда нишонланган касб байрамимизда А.Назирова, Н.Баранова, А.Жўраев, А.Нуралиев, Қ.Абдузимовлар пул мукофотлари ва қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

ШАВКАТ ТУРСУНОВ, Сурхондарё темирйўл дирекцияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси.

матидан барча мамнун. Ихтиёримиздаги ёзги уйингоҳда қизиқанлар волейбол, мини-футбол, югуриш, шахмат-шашка билан шугулланишлари учун ҳамма шароит яратилган. Яна 130 минг сўмга янги спорт жиҳозлари олдиқ. Яқинда ўтган футбол, шахмат-шашка, волейбол мусобақалари учун 230 минг сўм маблағ ажратилиб, голибларга мукофотлар топширдик. Мини-футбол жамоамиз Самарқанд шаҳрида ўтказилган турнирда иштирок этиб, фахрий ўринни олди. Айниқса, Термиз вагон депоси, Термиз темир йўл таъмир корхонаси, локоматив депоси, «Темирйўлчи» жамоа корхонаси ходимлари спорт мусобақаларининг барча турида фаол иштирок этиб келишмоқда.

Хуллас, сурхонлик темирйўлчиларининг ҳар томонлама ижтимоий ҳимояга олинишида бирлашган касаба уюшма кўмитамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунмиз.

Шавкат ТУРСУНОВ, Сурхондарё темирйўл дирекцияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси.

ОЛИМПИК СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек яхши одат бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам қадим Термиз шаҳрининг шу йил октябр ойида ўтказиладиган 2500 йиллик юбилей тўйига муносиб тўёна тайёрлашни режалаштирган.

Курувчилар ана шу эргак мақсад йўлида шаҳарнинг Бобур номли истироҳат боғи ёнидаги ташландиқ ер ҳамда эски кинотеатр ўрнида узунлиги 50 метр, эни 21 метр ҳажмдаги жаҳон андозаларига мос «Олимпик сузиш ҳавзаси»ни барпо этишга киришдилар.

Куни-кеча ушбу хайрли тадбир учун Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши яхшигина маблағ ўтказди.

Д. РУСТАМОВ.

Қамчилик халқимизнинг қадимий ҳунармандчилиқ турларидан бири. Чавандозни қамчисиз тасаввур қилиш қийин. Қадимдан чавандозларга қамчини қимматбахо совға сифатида ҳадя қилиш анъана тусига кирган.

Гўзалкент туманида яшовчи Акрам Исмоилов ҳам бир неча йилдан буён қамчи ясаб келмоқда. Бу ҳунар унга бобоси ва отасидан мерос. Акрам Исмоилов қамчи дастасини гилос ва бодом дарахтидан, чармини эса эчки терисидан ясайди.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЯХШИ НИЯТ

Сирдарё туманлараро маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси жамоаси ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади.

— Ҳозирги кунда кўрсатишмоқда 70 киши ишлайди, - дейди уюшма раиси Эргаш Одилов. — Ўтган йили аҳолига 1 миллион 800 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатдик. Бу бурноғи йилги кўрсаткичга нисбатан 600 минг сўмлик кўп, демакди. Пуллик хизмат бўйича режа эса 109

фоизга бажарилди. Амалдаги йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан жажжи фарзандларимиз учун тивувчилик цехимизда арзон кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, аёлларимиз учун гўзаллик салони ишга туширилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳозиргача маиший хизматнинг 9 тури бўйича хизмат кўрсатилаётган бўлса, ҳадемай ижара

бўлими очилади. Мақсад — одамлар оғирини энгил қилиш. Яъни, фуқаролар бу ердан тўю-тантана, турли маросимлар учун стол-стул, видеоасмалар ва бошқа жиҳозларни ижара олишлари мумкин бўлади.

Бундан ташқари, тивувчилик цехи кенгайтирилмоқда. Шунда янги иш ўринлари яратилади. Уюшмада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам жиддий эътибор қаратилапти.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» муҳбири.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИ-БАРЧАНИНГ ИШИ

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг сувайтириб юборилиши, уларни иш билан таъминлаш ва бошқа муаммоларнинг жойларда тўла ҳал этилмаётгани оқибатида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сони нисбатан кўпаймоқда.

Ўтган йили Бухоро вилоятининг умумтаълим мактабларида ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари билан ҳамкорликда қарийб тўрт мингга яқин тадбир ўтказилган бўлса ҳам, кўрилатган чоралар етарли самара бермапти.

2000 йилнинг 11 ойида вилоятда вояга етмаганлар томонидан 156 жиноят содир этилган. Когон, Вобкент, Ғиждуvon туманларида, Бухоро шаҳрида болалар жиноятчилигининг ортиб бораётганлиги кузатилади. Вилоятда ғиёҳвандлар сонининг ёшлар ҳисобидан ортиб бораётгани ҳам ачинарли ҳолдир.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Бухоро вилоят комиссиясининг йиғилишида ана шулар ҳақида гап борди. Ёшлар тарбиясини жиддий ташкил этиш, уларнинг ўқиши, ишлаши, дам олиши учун етарли шароит яратиш барчанинги ишчи эканлиги алоҳида таъкидланди. Мутасадди ташкилотларнинг бу йўналишдаги ишларида кескин бурилиш ислоҳоти лозимлиги ўқитилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Чортоқ туманидаги 26-мактаб қозонхонасида портлаш ўзи берди ва оқибатда оператор Ахлоқон Пошшаев дунёдан бевақт кўз юмди. Тахлиллар жожа техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаганлиги сабабли юз берганлигини тасдиқлади. Афсуски, бу ҳол туман миқёсида учраётган ягона кўргулик эмас.

Чунончи, халқ таълими тизимида ишлайдиган 174 нафар оператордан 100 нафари, соғлиқни сақлаш тизимидаги 54 оператордан 45 нафаригина махсус тайёрларикдан ўтган, холос. Тўғри, кўпчилик корхона, ташкилот ва хўжалиқларнинг касаба уюшма ташкилотлари бу масалани жамоа шартномасига киритиб, унинг бажарилишини назорат қилиб бормоқдалар. «Мингбулоқнефт» корхонаси, «Чортоқ тола» хиссадорлик жамияти, туман машина-трактор саройи ва бошқа ташкилотлар касаба уюшма кўмиталари ташаббуси билан бу борада қилинаётган ишларни таъкидлаб ўтса арзийди. Аммо жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Оқибатда туман бўйича бурноғи йили 4 та, ўтган йилда эса ўлим билан туғанган 2 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бу фожаларнинг асосий сабаби юқоридики қайд этилганидек, махсус тайёр-

тенглашадиган бошқа озик-овқат маҳсулотлари бепул бериш зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунга қарамастан, айрим корхоналарнинг касаба уюшма кўмиталари ушбу масалада иш берувчиларга нисбатан қатъий талабчанлик кўрсата олмаёттилар. Бунинг оқибатида «Ҳазратшоҳ»

лигини нима билан изохлаш мумкин? Дастгоҳларни ишлатиш бўйича етарли назорат олиб борилмапти. «Пешкўрғон» ширкат хўжалигида электр тармоқлари ҳолатини вақти-вақти билан текшириб бориш ишлари йўлга қўйилмаган. Туман хўжалиқларида мавжуд тракторларга тиркаладиган прицеплардан 28 тасининг тормози ишламайди, 40 таси бурилиш ва ўхташни кўрсатувчи чироклар билан жиҳозланмаган. Ўтган йили вилоятда ўлим билан туғанган 7 та бахтсиз ҳодисадан 3 таси йўл-транспорт ҳодисаси эканлигини унутиб бўларканми?

Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раёсат йиғилишида Чортоқ тумани ташкилот ва хўжалиқларида меҳнатни муҳофазати бўйича бундан ташқари, аёлларимиз учун гўзаллик салони ишга туширилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳозиргача маиший хизматнинг 9 тури бўйича хизмат кўрсатилаётган бўлса, ҳадемай ижара

Долзарб мавзу

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

унга доимий эътибор зарур

йўл-йўриқлар бермаслик, қолаверса, машина ва механизмларнинг хавфсиз ишлатиш бўйича назоратнинг сустлигидир. Туман марказий шифохонаси, Пешкўрғон қишлоқ участка шифохонаси, туман босмаҳонаси, Чортоқ гилт заводи каби корхона, ташкилотларда юзага келган аҳвол, айниқса, ачинарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 217-моддасида меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган меъёрларда махсус ки-йим, пойабзал ва ҳимоя воситалари, сут ёки унга

ширкат хўжалиги ва «Наманганкурилиш» трестига қарашли II-кўчма жамланмада ишчиларга сут бериш йўлга қўйилмаган. Чортоқ гилт заводи эса ишловчиларнинг махсус кийимсиз меҳнат қилишига йўл қўйилмоқда. Яна бир ачинарли томони II-кўчма жамланма, туман босмаҳонаси, 7-автокорхона, туман автомобил йўллар божкармаси касаба уюшма кўмиталари меҳнат муҳофазаси юзасида жамоатчилик назоратини олиб боришда ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаёттилар. Кейинги икки йил мобайнида

ишловчилар меҳнатини муҳофазати қилиш масаласи ушбу кўмиталар йиғилишларида бирон марта муҳокама қилинмаган, корхоналар маъмуриятига тегишли тақдимномалар киритилмаган.

Чортоқ туман марказий шифохонаси, II-кўчма жамланма, «Ҳазратшоҳ»

ишловчилар меҳнатини муҳофазати қилиш масаласи ушбу кўмиталар йиғилишларида бирон марта муҳокама қилинмаган, корхоналар маъмуриятига тегишли тақдимномалар киритилмаган.

Чортоқ туман марказий шифохонаси, II-кўчма жамланма, «Ҳазратшоҳ»

лигини нима билан изохлаш мумкин? Дастгоҳларни ишлатиш бўйича етарли назорат олиб борилмапти. «Пешкўрғон» ширкат хўжалигида электр тармоқлари ҳолатини вақти-вақти билан текшириб бориш ишлари йўлга қўйилмаган. Туман хўжалиқларида мавжуд тракторларга тиркаладиган прицеплардан 28 тасининг тормози ишламайди, 40 таси бурилиш ва ўхташни кўрсатувчи чироклар билан жиҳозланмаган. Ўтган йили вилоятда ўлим билан туғанган 7 та бахтсиз ҳодисадан 3 таси йўл-транспорт ҳодисаси эканлигини унутиб бўларканми?

Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раёсат йиғилишида Чортоқ тумани ташкилот ва хўжалиқларида меҳнатни муҳофазати бўйича бундан ташқари, аёлларимиз учун гўзаллик салони ишга туширилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳозиргача маиший хизматнинг 9 тури бўйича хизмат кўрсатилаётган бўлса, ҳадемай ижара

«Ишонч»га жавоб берадилар ОЙЛИКЛАР ТЎЛАНМОҚДА

Газетамизнинг ўтган йил 21 ноябр сонида «Тўрт ойдири, ойлик йўқ, касаба уюшмаси нега жим?» сарлавхали мақола босилган бўлиб, унда Шўрчи пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамиятида ойлик маошларни бериш бўйича юборилаётгани сабабли ишловчиларнинг шашти паслиги, корхона раҳбарларида ташкилотчилик етишмаётгани, бунинг устига ишчи-хизматчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилишга даъват этилган касаба уюшма кўмитаси мurosасозлик йўлини тутайтганлиги каби масалалар кўтарилган эди.

Кўйида газетанинг ушбу чиқиси бўйича йўлланган жавоб хати билан танишасиз:

— Мақолада жамият фаолиятига оид камчилик-нуқсонлар тўғри кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам корхона ҳисоб рақамига тўловлар ўз вақтида келиб тушмаганлиги боис жамоа аъзолари меҳнатига ҳақ тўлашда узилишларга йўл қўйилган. Жамият бошқаруви раислигига Олий Мажлис депутати Р.Абдуллаев тайинлангандан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Чунончи, кейинги ойларида иш ҳақидан қарздорликдан қутилиш мақсадида салкам 25 миллион сўм ойлик маош сифатида тарқатилди. Даромад солиғи учун ва пенсия жамғармасига 9 миллион 144 минг сўм ўтказилди.

Яна шунини қайд этиш керакки, жамият тасарруфидидаги акцияларга 6,5 миллион сўмликдан зиёд дивидент тўловлари ҳам амалга оширилди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари учун жамоа аъзоларига қарийб 1 миллион сўмлик хўжалик совуни, 4 миллион сўмликдан зиёдроқ пахта ёғи иш ҳақи ҳисобидан тарқатилди. Бундан ташқари, жамоа аъзолари жамият ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гуруч ва асалдан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Иш ҳақидан қарздорликни батамом бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси К.Хаймуродовнинг маълумотига кўра, корхона касабақўми раҳбари Фаизулла Қурбонов фаолиятига Шўрчи туман тармоқ касаба уюшма кўмитаси кенгайтирилган Раёсат йиғилишида атрофлича баҳо берилган ҳамда ишни яхшилаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинган.

Ж.ХОЛМУРОДОВ, Шўрчи тумани ҳокими.

ЗУРАВОН

Тадбиркор мустаҳкам ҳимояда ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз тараққиётига халақит бераётган турли қонунбузарликларга қарши муросасиз курашда дастуриламал бўлмоқда. Қуйида Тошкент шаҳар ИИББга қарашли коррупция ва рэкетга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимларининг тадбиркорликни ҳимоя қилишга оид фаолияти билан танишасиз. Бу йўналишда аниқса, бошқарма таркибиде яқинда ташкил топган «Бозорларда дехқон ва тадбиркорларни жиноятчи шахслар тазйикдан ҳимоя қилиш бўлими» ходимлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Бу масканларда дехқон-фермерлар ва тадбиркорларнинг эмин-эркин савдо қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Бирок, афсуски, ҳалол билан ҳаромнинг фарқи бормайдиган баднафслар, фаровонлигимизни кўролмайдиган ички қоралар, умум ишдан ўз манфаатини юқори қўядиган порахўру галамислар орамизда йўқ эмас. Шундайлардан бири — қирқ ёшгача бирон-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланмаган, бундан аввал гиёҳванд моддаларни истеъмол қилгани ва сотгани учун бир неча марта судланган Вячеслав Цой эди. У тушлик пайтида «Кўйлик» бозоридеги пиёз сотаётган дехқонлар орасидан энг «бозори чакқон» деб ўрта чирчиқлик дехқон-фермер А.Исмоиловни танадди.

— Мен шу худуднинг шефиман, - деди у таҳдид билан, - агар шу ерда эсон-омон юраман, эмин-эркин савдо қилман десанг 200 минг сўм «ўлпон» тўлайсан, вассалом. Ҳозир эса бўнагини чўз!

Ҳамир учидеги патир деб, фермердан 6 минг сўмини шилган товламачи қолганини кечқурун олиб кетишини қаттиқ тайинлаб, ғойиб бўлди.

Лекин В.Цой шу пайтагача дарахнинг шохида юрибман деб ўйлаган бўлса, унинг баргиде ҳам юрадиганлар борлигини ҳаёлига келтирмаган

бўлиши аниқ, Аслида милиция таянч пункти бошлиғи, милиция майори Раҳимжон Тожибоев раҳбарлигидаги ходимлар қадам босиши шубҳали бу кимсанинг изига тушишган эди. Шу кунде ўз ҳаққуқини яхши билган А.Исмоиловнинг мурожаати эса уларни янада сергак торттирди. Узаро тезкор ҳаракат режаси тузиб олинганидан кейин сал вақт ўтгач, зуравон қорасини кўрсатди.

— Ҳалигидан қолган зор жаримасини чўз, - пўтиса қилди у.

— Гап бўлиши мумкин эмас, - бамайхотир деди А.Исмоилов, - ҳозир тегишингни олсан.

У милиция ходимлари томонидан махсус ишлов берилган 194 минг сўм пулни «эгаси»га топширган пайтада тадбиркор ҳимоячилари пайдо бўлишди. Улар орасиде С.Рамазонов, Ф.Мўминов, Н.Мансуров, Н.Хўжамов каби таҳрибали ички ишлар ходимлари бор эди.

Шунингдек, тезкор ходимлар Қозогистоннинг Чимкент шаҳридан «меҳмон»га келиб, мазкур бозорда ноқонуний тарзда 134 минг қозоқ тангасини 800 минг сўмга сотган фуқаро Серикбой Урмоновни, бундан ташқари ноқонуний йўсунда 2000 АҚШ долларини тошкентлик фуқаро Сайёра Қудратовага пулла-валютафурушлар ака-ука Рев ва Руслан Лиларини ашёвий далиллар билан қўлга туширдилар. Шаҳар тезкор милиция

бошқармаси ходимлари фуқаролар шикоят-аризалари билан ишлашда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Жумладан, хусусий тадбиркор Дамир Султоновдан олинган шикоятда у бир гуруҳ шахслар кўрқитиш билан 1000 АҚШ доллар талаб қилаётганлиқларини баён этиб, рэкетчи-товламачиларга нисбатан зудлик билан чора кўришликини сўраган. Ана шу хат юзасидан ўтказилган тадбир вақтида Мирзо Улуғбек туманидаги «Старт» стадиониде аризачи Д.Султоновдан талаб қилинган пул ҳисобидан 600 АҚШ долларини олиш устиде Рита Ашрапова ҳолис гувоҳлар иштирокида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

«Кўйлик» улгуржи бозориде ўтказилган тадбир пайтида ҳеч қаерда ишламайдиган, акциз маркасиз ва сертификатсиз 1 миллион сўмликка яқин тамаки маҳсулотларини сотаётган яна бир «тадбиркор» қўлга тушди. Давлатга солиқ тўламаздан, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан ҳақиқий тадбиркорларга халақит берган Раён Шерматовга қонуний жазо берилди. Унга қарашли тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди.

Шаҳар ИИББ ишончли манбадан олинган маълумотда Мирзо Улуғбек туманидаги Марказ-1 да истиқомат қилувчи Жасур Шарипов бир гуруҳ фуқароларга ўзини мутахассисларни хорижий давлатларга ишга жўнатиш бўйича «менеджер» деб таништириди, уларнинг ишончига кириб олади ва 4 нафар фуқарони Жанубий Кореяга ишга жўнатиш баҳонаси билан улардан нақд катта миқдорда доллар ва сўм билан пул олиб, «жуфта»ни ростлаб қолади. Қўйилган тузоққа биринчи бўлиб иллинг Дилмурод Соткинбоевдан «ҳаражат»лари учун у 130 минг сўмини, Жанубий Кореядаги «Самсунг» тизми фирма корхонаси эҳтиёжлари учун деб яна 400

АҚШ долларини ҳамирдан қил сугургандек олган. Бу фирибгардан Асака шахрида истиқомат қилувчи А.Баратов ва унинг дўстлари ҳам жабр кўрдилар. Айна пайтада товламачининг жиноий қилмишлари юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаёттир.

— Ҳар бир фуқаронинг мурожаати алоҳида назоратга олиниб, шошилинч чоралар кўрилади, - дейди Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг би-

ринчи ўринбосари, милиция полковниги Эркин Қаюмов. — Шулардан бири Дилбар Каржавбоева ўз аризасиде ўгли Шерали Каржавбоевни Тошкент Аграр университетига шартнома асосиде ўқишга кириштириб қўйиши эвазиге қабул комиссиясининг масъул котиби ўринбосари С.Зокиров ундан 400 АҚШ доллар талаб этаётганини маълум қилганди. Тезкор тадбир жараёнида порахўр ўз тумшугидан илинди.

Қиссадан ҳисса шуки, гирромлик, фирибгарлик, порахўрлик йўли билан топилган маблағ ҳеч қачон буярмайди. Ҳаром лўқма тешиб чиқади, деб шунга айтсалар керак-да...

Малик НУРИДИНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, журналистлар.

Мухбиримизнинг Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманларо прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Махмуд Ўзбеков билан олиб борган мулоқоти гиёҳвандлик жиноятлари хусусиде бўлди.

ГИЁҲВАНДЛИК ҚОТИЛЛИК

— Тоғни урса талқон қиладиган бир ёшда Мамадали Яров ва унинг шериклари суднинг қора курсисига ўтирдилар. Улар куч-ғайрати гупуриб турган бир пайтада ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол мол-мулкка эришиш мумкинлигини жуда кеч англаш-

дали Яров билан Ақром Тиллаевнинг Ҳалима Кенжаева деган аёлга 32,8 грамм оғуни 290 минг сўмга пуллашига, ҳуллас, «савдо»ни амалга оширишларига шароит ярати берди. «Махсулот»лари икки-уч бараварига фойда ташлаб бераётганидан

ди. Қорадори олди-сотдисидан келадиган даромд ҳақидаги ҳавойи ҳиссиётларга ишониб, ўзларини ўзлари бевақт жувонмарг қилдилар.

Мамадали ўзи яшайдиган Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидан 3 ўрам, жами оғирлиги 62,03 грамм миқдордаги героинни шериги Ақром Тиллаев билан биргаликда пуллаш мақсадида номаълум шахсдан 280 минг сўмга сотиб олади. Ундан тушадиган фойдани ўйлаб бу икки «ишбилармон»нинг кўнгиллари яраб кетди. Улар «яхлит мулк»ни майдалаб сотиш мақсадида «ҳамкор»ликка мойиллиги бор фуқаро Назира Қаюмованинг уйига йўл олишди. Бу аёл ҳам жиноятга шерик бўлаётганлигини билса-да, ваъда қилинган катта пул учинг ҳам кўзларини кўр, ҳаёлини паршишон қилиб қўяди. У ўз уйиде Мама-

Бундайларга шафқат йўқ

оёқлари ердан узилиб, бошлари осмонга етай деган бир пайтада туман ИИБ ходимлари уларнинг «фаолият»ларига чек қўйди. Қилмиши учун жазо муқаррарлигини сезган Ақром Тиллаев ички ишлар ходимларини чалғитиб, номаълум томонга қочиб кетди. Барибир бузқўннинг қочгани сомонхонагача. Ҳозир унга нисбатан қидирув ҳаракатлари олиб борилмақда. Қолган «ҳамтовок»лар эса жиноий жавобгарликка тортидилар.

Биз бировнинг ҳаётига тажовуз қилиб, кимнингдир умрига зомин бўлган кимсаларнигина қотил, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз. Аммо, Мамадали, Ақром, Назира ва Ҳалимага ўхшаган кишиларничи? Улар гиёҳвандликкек боши берк кўчага билиб-билмай кириб қолаётган, бунинг оқибатиде умри ҳазон бўлаётган инсонларнинг, улардан тугулла-жақ майиб-мажруҳ гўдакларнинг қотилига айланмаётими? Мана шу нарсалар ўйлантриб қўяди кишини...

Харом лўқма тешиб чиқади ПОРА

Амрилло Амонов Бухоро шаҳар Тўқимачилик туман Давлат солиқ инспекциясида жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлимига бош инспектор этиб тайинланди-ю, нафс бандасига айланиб қолди.

Уша кунде у шаҳардаги «Бахт» савдо маркази ҳудудиде жойлашган дўконлар бўйлаб рейдга чиқди. Амриллога участка солиқ инспекторлари Усмон Аҳмедов ва Мавруф Ҳикматовлар ҳамроҳлик қилишди. Улар шу ерда жойлашган бўш шиша идишлар қабул қилинадиган дўконни ҳам четлаб ўтишмади. Уни қўздан кечириб жараёнида пичоққа илинадиган «мавзу» ҳам топишди. Энди нима қилиш керак?! Дўконни муҳрлаш зарур. Мудира Ҳафиза Саидова солиқчилар «шеф»ига ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, далолатнома ёзилиб, дўкон муҳрланди. Гўё ҳамманарса қонуний қилинаётгандек эди. Ичкаридан топилган арқовино, шампанлар яшиги билан ташқарига чиқарилди. Қутилмаганда бу ерга яна бир солиқчи - Камол Тўхтаевнинг келиб қолиши «иш»нинг белига тепди. Анча мунозаралардан сўнг, масала солиқ идорасиде ҳал бўладиган бўлди. «Товар» «шеф»нинг кўрсатмасига бинаоан вақтинча мева-сабзавот дўконига олиб бориб қўйилди.

Эртасиде А.Амонов Ҳ.Саидовани чақириб, «иш»нинг ҳаражати 20 минг сўм бўлишини айтди.

— Акажон, бу кўплик қилади менга. Бир оз тушмасангиз бўлмас, - ялина бошлади дўкончи.

— Унда 15 минг. Ёрдамимиз шу. Ҳозироқ бориб, муҳрларни очиб, ишга киришиш мумкин. Биз кейинроқ борамиз...

Шундай қилиб, у пора олаётганда қўлга тушди ва жиноятига яраша жазоланди. Зеро, мансабини пеш қилиб, нафсига эрк берган ҳар қандай киши узоққа боролмаслиги тайин.

Анвар ЭШОНҚУЛОВ, Бухоро вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими терговчиси. Усмон НАВРҲҲ, «Ишонч» мухбири.

Баъзан айрим ташкилот ва фирмаларнинг раҳбар ва ҳисобчилари солиқ қонунчилигига зид ўлароқ даромадларни яширишга уринадилар. Бундан ҳам давлат бюджетига ҳам ташкилотнинг ўзи зарар кўриши тайин.

ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

Қарши туманидаги «Темур» фирмаси раҳбарлари солиқдан 32,1 минг сўмини яшириб қолмоқчи бўлишди. Биргина текширишнинг ўзидаёқ уларнинг бу найрагларни сувнинг юзига пуфакдай чиқиб қолди. Натияжада солиқ 100 фоиз жаримаси билан ундириб олинди. Худди шундай ҳолат тумандаги «Севинч», «Ҳамид» ва «Меҳриғаб» фирмаларида ҳам содир этилганлиги аниқланди.

Туманда ўтган йил мобайнида Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил асосий макрокиссий кўрсаткичлар ва давлат бюджетининг прогнози тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан 139 та ташкилотда текшириш ўтказилганда, 105 та корхонада солиқ қонунчилигига зид равишда йўл тутилганлиги маълум бўлди. Бунинг натижасиде бюджет фойдасига 13,5 миллион сўм қўшимча маблағ ҳисобланди. Айбдорларга нисбатан 8,8 миллион сўм жарима қўлланди. Бундан ташқари, 12,6 миллион сўм бўнак белгиланди. 137 нафар мансабдор шахс 1,2 миллион сўм миқдориде маъмурий жарима тўлашга тортилди.

М.ХАЙИТОВА, «Ишонч» мухбири.

ОСОН БОЙИШ

Бола бошидан, деганлари шу бўлса керак. Тошкентлик Дилором Абдизимова илк бор қачон фирибгарлик қилганини ўзи ҳам эслолмайди. У болалигидеёқ кўни-қўшиларниқига чиқиб, турли ёлгонлар тўқир, пул ундирарди. «Ойим бетоб бўлиб қолди, шунча пул зарур» деб сўрашдан ёки аёллар тақинчоғини сотиб бериш баҳонасида олиб, кимларнидир лақиллатиб кетишдан ҳам тап тортмасди. Хатто келин бўлиб тушган хондонда ҳам бу одатини ташламади. Фирибгарлик қилгани учун Яққасарой туман суди томонидан жазоланди ҳам.

Оиласидан ажрашган Дилором судланиб, 5 ёшли боласи билан яна ота-онасиникига қайтиб келди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Хуллас, навбатдаги режани тузиб ишга киришди. Самарқандлик эски таниши Марина Плахо-

тинага кўнгирик қилиб, уй топиб қўйишни тайинлади. Бошқаларнинг ишончини қозониш учун уяли телефон аппарати ва кимматбаҳо кийим-кечаклар сотиб олди. Фирибгар ташлаган тўрға биринчи бўлиб Самарқанд туманида яшовчи Меҳрож Нўъом-

«Йўли»га кирган лақмалар ҳангомаси

нов тушди. У кунига 8000 сўм эвазиге бу «бой аёл»га ўзининг «ГАЗ-24» машинаси билан хизмат қилишга рози бўлди. Лекин чўз тушди. Келишилган пулнинг ярми ҳам тегмади унга.

Ўқтам Файзиев ҳам Дилоромнинг макрига учганлардан. Меҳмоннинг жозибадор таклифларидан боши гангилан Ўқтам унга 65000 сўм пулни тутқазди. Бу орада Ўқтам Дилоромни ўзининг Аҳтам Хўжамов исми ўртоғи билан таништириб қўйди. Уйдаги зиёфатда бухоролик Гажимурод Гидаев ҳам бор эди. Дилором йигитларга ўзини «Йирик

фирманинг раҳбари», деб таништирди. Катта сарможалардан гақчили пиёлага харидор бўлди. Пиёланинг нарғи 1200 АҚШ долларига тенг, деб айтишган экан бировлар. Дилором пиёлани қўлга кириштириб, ишлар бошлаб юборилганини айтди. Хуллас, икки жўра «бойвучча тадбиркор»га 6,5 миллион сўмлик аёллар тақинчоқларини берардиган, Дилором уларни пулга алмаштирадиган бўлди. Шунча тақинчоқларни қўлга киритган Дилором бир соатда пулни олиб келишини айтиб, ғойиб бўлди.

Орадан бир оз вақт

Жиноятга жазо муқаррар

ўтиб, у яна Самарқанд сафарини кўмсаб қолди. Бу гал у Самарқанд туманининг «Дўстлик» жамоа хўжалигиде яшовчи Шуқуровлар хонадонига кирди. Бу оилага аждодлардан мерос қолган қумуш нақши пиёлага харидор бўлди. Пиёланинг нарғи 1200 АҚШ долларига тенг, деб айтишган экан бировлар. Дилором пиёлани қўлга кириштириб, ишлар бошлаб юборилганини айтди. Хуллас, икки жўра «бойвучча тадбиркор»га 6,5 миллион сўмлик аёллар тақинчоқларини берардиган, Дилором уларни пулга алмаштирадиган бўлди. Шунча тақинчоқларни қўлга киритган Дилором бир соатда пулни олиб келишини айтиб, ғойиб бўлди.

Орадан бир оз вақт

200 АҚШ долларига туширган аниқ, Афсуски, оила бошлиғи фирибгарнинг домига иллингани кейинроқ фахмлади.

Масаланинг бу ёғини Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари ҳал қилишди. Дилоромнинг қаерда, қандай қўлга олингани янада қизиқ. Изқуварлар фирибгарнинг дарганини топишганда у Самарқанд вилоят ИИБга қарашли «Зарафшон» санаторийсининг «люкс» хонасида дам оларди...

«Ўзингга эҳтиёт бўл...» деган нақл бежиз айтилмаган. Аммо кўлар бунде унутган кўринадиде. Акс ҳолда, бир фирибгарнинг ёлгон ваъдаларига шунча киши чўз тушмасди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ТЕКШИРУВДА ТАСДИГИНИ ТОПДИ

Афсуски, ҳамма хусусий корхоналар ҳам қонун-қондаларга бирдек амал қилаяпти, деб бўлмайди. Тошкент шаҳар солиқ тизимининг ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш бошқармаси ходимлари хусусий корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятида қонунларнинг бажарилиши юзасидан тезкор текширув ўтказганда антиқа ҳолатларнинг гувоҳи бўлишди.

«Нейтра Шарқ» лан ва бош ҳисобчи Гамасулияти чекланган жамият Миробод туманида жойлашган бўлиб, низоми бўйича усуналарни таъмирлаш ишлари бош мақсад қилиб қўйилган. Лекин жамият раҳбари Георгий Бе-

дик», деб нотўғри маълумот бериб келинганлиги текширувда очиқлиб қолди.

Маълум бўлишича, жамият усуналарни таъмирлаш бўйича бирорта ҳам ташкилот билан шартнома тузмаган. Воситачилик йўли билан жойларга 1999 йилда салкам 99 миллион сўмлик, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 188 миллион 741 минг сўмлик маҳсулот жўнатилган. Лекин ҳисоботларда бу маҳсулотлар қамай-тириб кўрсатилган ва

давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 115 миллион 88 минг сўм яширилган.

Ачинарлиси, ушбу ҳолат юзасидан суштирув ҳаракатлари давомиде айрим маълумотларни аниқлаш учун жамият раҳбарлари бир неча бор шаҳар солиқ бошқармасига таклиф этилишига қарамай, турли хил баҳоналар билан ўзларини олиб қочганликларини қандай баҳолаш мумкин?

Қонун устуворлиги ҳамиша муқаддас. Ҳеч

бир жиноят жазосиз қолмайди. Шу боис Г.Белан ва Г.Птушкин устидан жиноят иши кўзга тилиб, ҳужжатлар тергов органларига тақдим этилди.

Тезкор ходимлар Чилонзор туманидаги кичик корхоналар фаолиятини ўрганиб, иш жараёнида бу ерда ҳам кўзбўямачилик иллати илдиэ отганлигини аниқлашди. Чунончи, «Бўстон-Осиё» масъулияти чекланган жамият фаолияти таҳлил этилганда қонуннинг кўпол равишда бузилиши

Тезкор тадбирлар самараси

ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Фирма раҳбарлари Ю.Алишева, В.Котов ва бош ҳисобчи А.Ефимовлар ўзаро жиноий тил бириктириб 355 миллион 555 минг сўм нақд пул тушумини банк мақдассаларига топширмай, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юрганликларига, сохта ҳисоботлар топшириш йўли билан 1 миллиард 222 миллион 733 минг сўмлик товар айланмаси туман солиқ инспекциясини яшириб келинганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзга тилиди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: давлати-

мизда кичик корхоналар фаолиятини такомиллаштиришга доир қатор қонунлар қабул қилинди. Зеро, бу қонунлар уларнинг мустақил ва ҳалол фаолият юритишига кафолатдир. Шу маънода жойлардаги мутахассислар ва мутахассислар бундай корхоналар ҳисоботида жиддий эйтибор беришганда эди, юқоридеги каби кўзбўямачиликларнинг олди олинган бўларди.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Назм бўстони

ЎзЛИГИН АНГЛАТГАН КАДРУ ҚИММАТ БУ...

Гулчебра ЖўРАЕВА - эл ардоқлаган шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими...

ТАСАННО

Ўртимизда Хуррият иккинчи кўш бўлди, Забуллидан зах тортган бағирларга нур тўлди...

Етмиш ухлаб бир тушга кирмаган даврдир бу, Янгидан тугилмоққа матонат, сабрдир бу...

Шаҳар, қишлоқ, водийлар кийдилар башанг либос, Келинчакнинг уйдек ярашди чирой, пардоз...

Мустақиллик неъматин, нону тузини тотдик, Озодлик лаззатинда Ҳақ йўлиминиз топдик...

Ўртимизда Хуррият иккинчи кўш бўлди!

МУҚАДДАС МАСКАН

«Мен ким» — аждодим Тегинабегим, Ки Амир Темурга волида-бибим...

Болалик шўхлигин тўқилган шох Арк Эртақлар қасрининг олтин қалити. Зиндонлар қулфини очиб этур шарҳ...

Бахшилар айтгандек тугамас дoston, Минг бир кечаларга сугмас ўтмиши... Бугундан сўзламоқ менгадир осон...

Мустақил ўлкамининг битта чечаги, Нураган тор кўча, гўшанг йўқ бугун. Йўлингиз тўсмагай тижан кечаги...

Ёшим ўтган сайин сенга тартадир, Киндик қон тўқилган муқаддас замин. Атаган маҳдуми қалбада ётадир...

Заковат кўзгуси — осори атиқа, Талпинанам сенга, кўзларимда ёш. Мен учун ҳамisha гўзал, антиқа...

БОЛАЛАРНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Хайр ХХ аср» саломи ХХ аср мавзусида болалар расмлари кўргазмаси очилди.

Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан иқтидорли болаларнинг халқаро танлови эълон қилинганди.

Тадбирда сўзга чиққан Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Ярослав Гудба ўзбекистонлик болаларнинг ижодларидан беҳад таъсирланганлигини...

Жаноб Я.Гудба танлов ғолибларига диплом ва медалларни тақдим этди. Унда юртдошларимиздан Анифа Ортокбоева, Сарвар Алиев, Гузал Губенова, Анавар Юсупов, Рафаэл Каримов, Фазлиддин Икромов, Фаррух Мавлюнов, Акрам Муродов «2000 йилнинг энг иқтидорли болалари» деб номланган диплом ва медалларнинг соҳиблари бўдилар.

«Туркистон-пресс».



Сўнгги йилларда Пахтаобод тумани маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий қурилишлар унинг кўркига кўрк бағишлади.



тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмокда. Суратларда: Ҳабибий уй-музейини зиёрат қилишга келганлар ўзаро фикр алмашишмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЯНГИ ГАЗ ТАРМОҒИ

Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида Қорақолпоғистонда яна бир хайрли ишга қўлурилди. «Газли-Нукус» марказий газ трассасидан янги газ тармоғи учун қувур ётқириш бошланди.

Термиз шахрининг 2500 йиллиги олдидан

Қадимий Термиз нафақат Ўрта Осиёнинг, балки Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири хисобланади.

Қадимдан Термиз Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна, Парфия, Хиндистон каби бир қатор давлатлар билан маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган.

Тарихий манбаларга кўра, Термиз милoddан олдинги III-II асрларда Бактриянинг энг ривожланган сиёсий, ижтимоий ва маданий марказларидан бирига айланган.

Қушонлар даврига келиб Термиз ҳудудий жihatдан кенгайиб, шимолий Бактриянинг пойтахт шаҳрига айланган.

Х-XII аср бошларида Термиз ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилган.

Чунки бу даврга келиб Термиз Тохаристоннинг йирик шаҳарларидан бирига айланган эди.

Айниқса, IX-X асрларда яшаб ижод этган Ал-Ҳаким ат-Термизий бобо-зиннинг доғрулари шарҳ мамлакатларида кенг тарқалган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

ИСТИҚЛОЛ ҚУДРАТИ-ЛА ЯШНАГАН

бўлган. Шаҳар бу даврда йирик маданий, илм-фан марказига айланган.

Манбаларда келтирилишича, Термизий тахаллуси билан ижод қилган алломаларнинг ўзи қирқдан ортқ экан.

Айниқса, IX-X асрларда яшаб ижод этган Ал-Ҳаким ат-Термизий бобо-зиннинг доғрулари шарҳ мамлакатларида кенг тарқалган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Мухаддиде Абу Исо Термизий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи сифатида Хожа Самандар Термизий ўз шеър ва газаллари билан машҳур бўлган.

Футбол ЎРФФ МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Миллий терма жамоамизнинг «Ливан-2000»даги шармандали иштирокидан сўнг мамлакатимиз футболда, хусусан, республика Футбол федерациясида туб ўзгаришлар амалга оширилганлигидан миллионлаб мухлисдорлар яхши хабардор.

«Матбуот марказининг асосий вазифаси мамлакат футболлари тарғиб қилиш, ЎРФФ томонидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб боришга кўмаклашиш» дейди Комилжон Жумаев.

«Матбуот марказининг асосий вазифаси мамлакат футболлари тарғиб қилиш, ЎРФФ томонидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб боришга кўмаклашиш» дейди Комилжон Жумаев.

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсатлари: 700165, Тошкент шахри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган, IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.